

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИДИЕВ ҒАЙРАТ ЭЛМУРОДОВИЧ

**ЧАККА – ПАСТКИ ЖАҒ БЎГИМИ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ФАНЛАРАРО
ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Идиев Ғайрат Элмуродович

Чакка – пастки жаг бўғими патологияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда фанлараро ёндашувни такомиллаштириш 5

Идиев Ғайрат Элмуродович

Совершенствование междисциплинарного подхода к диагностике и лечению больных с патологиями височно-нижнечелюстного сустава..... 29

Idiyev Gayrat Elmurodovich

Improvement of an interdisciplinary approach to the diagnosis and treatment of patients with pathologies of the maxillary-mandibular joint 55

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 59

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИДИЕВ ҒАЙРАТ ЭЛМУРОДОВИЧ

**ЧАККА – ПАСТКИ ЖАГ БЎГИМИ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ФАНЛАРАРО
ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Tib605 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Гаффоров Сунатулло Амруллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бульчева Елена Анатольевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

С.Д.Асфандиёров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «19» январь куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (042 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «5» январь куни тарқатилди.

(2023 йил «5» январь даги 01 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Стоматологик касалликлар орасида чакка-пастки жағ бўғимининг фаолият бузилишлари синдромлари ўзининг кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда «...сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган тадқиқотлар чакка-пастки жағ бўғими патологияси болалар ва ўсмирлар орасида 20% гача, катта аҳоли орасида 80% гача...»¹ кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга «...чакка-пастки жағ бўғими патологияси мавжуд беморлар орасида бўғим фаолияти бузилиши синдромлари устунлик қилиши ҳамда 78,3% дан 95,3% гача...»² кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, патологиянинг бошлангич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам рентгенологик текширувларда чакка-пастки жағ бўғимида органик ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида тиш қатори нуқсони билан кечадиган чакка-пастки жағ бўғими огрикли синдромларини даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими огрикли синдромларининг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволаш жараёнида ортопедик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш; беморнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромининг этиопатогенетик асосланган даволаш профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, чакка-пастки жағ бўғими огрикли синдромларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар тиш қатори нуқсони билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими огрикли синдромларини даволашни такомиллаштириш

¹Хватова В.А. Клиническая стоматология / – М.: Медицина, 2011. – 296 с

²Пономарев А. В. Системный многофакторный анализ в прогнозировании риска развития синдрома болевой дисфункции ВНЧС //Вестник Санкт-Петербургского университета. Медицина. – 2016. – №. 3. – С. 79-94.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁴ Чакка – пастки жағ бўғими патологияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: American Academy of Orthopedic Dentistry Surgeons (АҚШ); Tokyo Medical and Dental University (Япония); State University of New York (АҚШ); Queen Mary University of London (Буюк Британия); The university of Sydney (Австралия); Eastman dental institute (Буюк Британия); University of Glasgow (Шотландия); Department of gnathology, Sharad Pawar Dental College and Hospital, Wardha, Maharashtra (Ҳиндистон); Johns Hopkins University School of Medicine (АҚШ); Stanford University Medical Center (АҚШ); University of Manitoba (Канада); University of Birmingham (Буюк Британия); The University of Pune (Ҳиндистон); Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия), Асфендияров номидаги Қозогистон давлат тиббиёт университети (Қозогистон); Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Гнатология ўқув-илмий-амалий маркази (Ўзбекистон) ҳамда Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Чакка – пастки жағ бўғими фаолият бузилиш синдромларини даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда қатор

⁴ Диссертация иши бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg; www.ufrij.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr; www.tmu.edu.tw; http://kaznmnu.kz/, http://www.tipme.uz/, www.tsdi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

илмий натижалар олинган, жумладан, Чакка – пастки жағ бўгимининг суяк-мушак тизимига тушаётган ва ёш улгайган сари ортиб бораётган босим бўгим структураларида шаклланаётган турли ўзгаришларга нисбатан, тиш қатори нуксонлари, тишлов аномалиялари, турли шикастланишлар, рухий ўзгаришлар салбий кўрсаткичларга эга эканлиги келтирилган (American Academy of Orthopedic Dentistry Surgeons, АҚШ). Бошқа манбаларда келтирилишича, тиш қаторларининг кичик, ўрта ва катта нуксонларида ва огир даражали пародонтити мавжуд инсонларда кўпгина ҳолатларда уйку артерияларининг патологик ўралиши ва атеросклеротик чўкмалар мавжудлиги ҳамда чакка-пастки жағ бўғимида функционал ва органик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланган (Johns Hopkins University School of Medicine АҚШ). Чакка – пастки жағ бўғими функционал бузилишлари мавжуд катта ёшли беморларнинг 70-80% ида чайнов мушакларининг турли патологиялари аниқланган (Sharad Pawar Dental College and Hospital Ҳиндистон). Чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси ривожланишининг миоген концепцияси тарафдорлари орасида парафункционал бузилишларнинг этиологияси тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас, шунга қарамай жароҳатли окклюзия негизида (The University of Pune, Ҳиндистон), чайнов мушакларининг гипертонуси билан огирлашган (Tokyo Medical and Dental University, Япония), чайнов баландлигининг ўзгаришлари сабабчи бўлиши келтирилган. Пастки жағ тиш қаторларининг юқори тиш қаторларига жипслашишидаги ўзгаришлар чакка-пастки жағ бўғими фаолияти бузилишининг келиб чиқишида ягона омил эмаслигини таъкидлашади, ушбу назария тарафдорларининг фикрига кўра касаллик кўпинча соғлом тиш қаторли ва физиологик тишловли беморларда кузатилишини айтиб ўтишган (The university of Sydney, Австралия). Бошқа манбаларда, жойлашуви бўйича турли ҳолатларда ҳамда ва кичик, ўрта ва катта нуксонларда, окклюзион баландликнинг тушиши, пастки жағ дистал силжиши мавжуд беморларда ривожланиб борадиган морфофункционал огишлар тиш-жағ тизимининг барча бўгинларига таъсир қилиши ва чайнов мушаклари фаолиятининг бузилишига ва чакка-пастки жағ бўғими фаолияти бузилишига олиб келишини белгилашган (University of London, Буюк Британия). Касаллик келиб чиқишида рухий зўриқиш ва чайнов мушаклари гиперфункцияси орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги таъкидланган, хусусан бўгим фаолияти бузилиши мавжуд беморларда латерал канотсимон мушакларининг жавоб реакцияси кўпроқ кузатилган (University of Manitoba, Канада).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли орасида чакка-пастки жағ бўғими огрикли синдромларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида олиб борилган қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий изланишларида бўгимлардаги фаолият бузилиши натижасидаги огрикли бўгим синдромлари ёки оғрикли бўгим фаолияти бузилиш синдроми билан беморлар стоматологларга энг кўп мурожаат қилишлари таъкидланган (Каменова Л.А., 2015) ва патологик жараён вужудга келишининг асосий омиллар сифатида – тиш-жағ тизими бузилишлари (Арутюнов С.Д., 2011; Коннов В.В. ва ҳаммуал., 2013), тиш-жағ тизими нейромушак таркибий қисмлари ҳолатининг бузилишини (Лапина Н.В. ва ҳаммуал., 2013; Рыбалов

О.В. ва ҳаммуал., 2016; Шахметова О.А., Синицина Т.М., 2017; Dym H., Israel H., 2012; Fernandes G., van Selms M.K., Gonçalves D.A., 2015;), суяк элементларининг структуравий ҳолатидаги ўзгаришларсиз кечадиган артикуляр-окклюзияли синдромлар (Чибисова М.А., 2012); бошқалари – чайнов мушакларининг гипертонусли синдромлари (Бугровецкая О.Г., Максимова Е.А. ва ҳаммуал., 2016; Жулев Е.Н., Вельмакина И.В. ва ҳаммуал., 2018), турли ташқи ва ички омилларнинг уйғунлашган таъсирини (Булычева Е. А., Чикунов С. О., Алпатьева Ю. В., 2013) шунингдек, рухий-хиссий ҳолатнинг бузилиши чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси ривожланишининг муҳим этиологик омили эканлигини кўрсатиб ўтишган (Коцюбинская Ю.В. ва ҳаммуал., 2014; Саргисян А.Э., 2014; Карелина А.Н. ва ҳаммуал., 2016).

Маълумки, чакка-пастки жағ бўғимида бўғим фаолияти бузилиш синдроми клиник-симптоматик белгиларнинг турли-туманлиги ва доимий тавсифда кечмаслиги ташхислашда мураккаблик туғдириши (Каменева Л.А., 2015; Доменюк Д. А. ва ҳаммуал., 2017), айтилиши вақтда тадқиқотларда патология белгиларини аниқ намоён эта оладиган усулларни яратиш, жумладан клиник-функционал, антропометрик, иммун-микробиологик, ижтимоий ва ускунавий тадқиқотлар (Бугровецкая О.Г., 2011) олиб борилаётганини ҳам кузатамиз. Тадқиқот натижаларида чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми биринчи навбатда латерал қанотсимон чайнов мушаклар қисқариши тонуси бузилиши билан узлуксиз боғлиқ бўлиши таъкидланган (Сидоренко А.Н., 2012; Исайкин А. И., Смирнова Д. С., 2017), ҳамда беморлар кўпинча пастки жағ ҳаракатларида “шовқин” ҳодисаларига, узок вақт чайнаганда ёки сўзлашув вақтида чайнов мушакларидаги огрикқа, чайнашнинг бузилиши, қулоқларнинг битиши ва улардаги шовқинга шикоят билан мурожаат қилишини айтишган (Карелина А. Н. ва ҳаммуал., 2014; Каменева Л.А., 2015). Беморлар келтирадиган шикоятлар нафақат чакка-пастки жағ бўғимининг морфологик ва функционал ўзгаришлари билан, балки инсоннинг рухий-хиссий ўзгаришлари (Сотникова М.В., 2009; Бессчастный Д.С., 2010) натижасида ривожланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чакка-пастки жағ бўғими огриккли синдромлари, жумладан бўғим фаолияти бузилиш синдроми патогенези ва бўғимдаги ўзгаришларни коррекциялаш (Гаффоров С.А., 2016), металлопротеиназанинг ўрнини баҳолаш (Саидов А.А., 2021), даволашда энзимотерапедан фойдаланиш (Олимов С.Ш., 2019) ҳақида кўп янги маълумотлар олинди, бу диагностика ва даволашнинг янги усуллари ҳосил бўлишига олиб келди. Тиш қатори нуқсон билан бирга кечувчи чакка-пастки жағ бўғими огриккли синдромлари мавжуд беморларда бўғим фаолияти бузилиш синдроми ривожланиш хавфи ва огирлик даражаси анча юқори бўлиб, бундай омиллар кўп жиҳатдан касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига таъсир қилади (Хабилов Н.Л., 2017; Алиев Н.Х., 2021). Бундан ташқари аҳолининг турли қатламлари орасида чакка-пастки жағ бўғими огриккли синдромларини эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида қатор олимлар томонидан илмий

тадқиқотлар ўтказилган (Ризаев Ж.А., 2016; Муртазаев С.С., 2017; Сафаров М.Т., 2018). Бироқ, турли ёш гуруҳларида тиш қатори нуқсони билан кечадиган чакка-пастки жағ бўғими огриқли синдромларини даволашни такомиллаштириш амалиёти амалга оширилмаган. Натижада чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиши синдроми беморлар орасида мураккаб ечимсиз муаммо каби шаклланишига, айни вақтда стоматолог мутахассислар олдида ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Патологияни эрта башоратлаш, нозологиясига аниқ ташхислаш тизимини яратиш, даволаш самарадорлигини ошириш масалалари долзарблигини англатади. Келтирилган илмий ишда тиббиётда самарали ва эрта ташхислашнинг етакчи усулларидан фойдаланган ҳолда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилиш синдромларини ташхислаш ва даволашда фанлараро ёндашувни такомиллаштириш усуллари кенг очиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чакка – пастки жағ бўғими фаолият бузилиш синдромларига ташхис қўйиш ва даволашда фанлараро ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чакка-пастки жағ бўғими патологиялари мавжуд беморларнинг клиник-анамнестик натижалари таҳлилини ўтказиш;

чакка-пастки жағ бўғими патологияларини ташхислаш ва қиёсий ташхислашда қўлланилган турли текшириш усулларининг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш;

чакка-пастки жағ бўғими патологиялари этиологиясида салбий таъсир этувчи клиник-неврологик омиллар қиёсий тавсифи ҳамда ўзаро фанлараро боғлиқлигини таҳлил қилиш;

чакка-пастки жағ бўғими патологияларини ускунавий тадқиқот усулларининг натижалари асосида психик-неврологик ва стоматологик фанлараро боғлиқлигини асослаш;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларини эрта ташхислашда функционал ва инструментал текшириш усулларининг етакчи ўрнини аниқлаш ва самарадорлигини аниқлаш;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларини этиопатогенетик механизмларини бартараф этишга асосланган комплекс даво-профилактика усулларини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология ўқув-илмий-амалий марказига мурожаат этган 1197 нафар беморлар, шундан чакка-пастки жағ бўғими фаолияти бузилиши мавжуд 20-69 ёш оралигидаги 608 нафар бемор, - назорат гуруҳида 589 нафар тиш ва тиш

катори нуқсони мавжуд, лекин чакка-пастки жаг бўғимида ўзгаришлар аниқланмаган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тиббий хужжатлар, тиббий қурилмаларнинг маълумотлари, рентген суратлар, тиш-жағ соҳаси юмшоқ ва қаттиқ тўқималари, тишлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анамнестик маълумотлар, ускунавий-спирал компьютер томография, рентгенография, электромиография, аксиография ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиши ва тизимдаги синдромларни ташхислашда функционал ва тиббий-инструментал мосламаларни ўрнида ва тўғри фойдаланиш ҳамда ҳар бир беморга индивидуал ёндашув, қишлоқ врачлик амбулатор шароитда эрта ташхис қўйиш имкони мавжудлигини илк бор асослаб берилган;

чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиш ва тизимдаги синдромларни этиологик омилларини эрта ва тўғри аниқлаш имкони қишлоқ врачлик амбулатор шароитда мавжуд стоматолог, умумий терапевт ва невропатолог мутахассислари комплекс ёндашувининг ҳамда умумлашган функционал-инструментал текшириш усулларидан унумли фойдаланиш самараси эканлиги исботланган;

чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиш ва тизимдаги синдромларни функционал-инструментал текширишлар ёрдамида эрта ва сифатли ташхиси, илк бор клиник-функционал, морфологик, ускунавий текшириш натижалари билан ўз исботини топган;

чакка-пастки жаг бўғими фаолият бузилиш синдромларини самарали даволаш патологик жараённинг этиопатогенезини ўз вақтида ва тубдан бартараф этишга, даво-профилактика муолажаларида мутахассисларнинг комплекс ёндашувига тўғридан-тўғри боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амбулатор-поликлиника муассасаларида стоматолог мутахассис томонидан тиш қаторлари нуқсонлари ва тишлар окклюзион юза нуқсонлари, неврологик ҳамда психологик бузилишлар асоратида шаклланаётган чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиш синдромларини эрта ташхислаш ва даво-профилактикаси мутахассислараро касбий жиҳатидан комплекс ёндашувига боғлиқлиги асосида амалга оширилишини тасдиқлаган; шунингдек, амбулатор-поликлиника шароитида тиш қатори яхлитлиги бузилиши билан боғлиқ чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиши синромлари патологияларини башоратлаш ҳамда ўз вақтида ёрдам кўрсатиш имкониятини яратган;

амбулатор-поликлиника шароитида тишлар ва тиш қаторлари яхлитлиги бузилишларида чакка-пастки жаг бўғими бўғим фаолияти бузилиш синроми патологияларида беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишда самарали усулларни мутахассис томонидан эрта танлаш имконини яратган;

чакка-пастки жаг бўғим фаолияти бузилиш синроми патологиялари тиш ва тиш қатори нуқсони натижасида шаклланишини амбулатор-поликлиника

шароитида эрта ташхис қўйиш ва эрта бартараф этиш учун мутахассислараро кенг камровли тезкор ёндашув асослари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва танланган усуллар, ўтказилган клиник тадқиқотлар услубияти, ишончилиги, беморлар миқдори, клиник, функционал натижаларнинг статистика усулларда таҳлили, натижалар чет эл ва мамлакатимизда олиб борилган охириги йилдаги тадқиқотчилар натижалари билан солиштирилиши; натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган хулосалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилиш синдроми патологиялари шаклланганда чайнов мушаклари, юз-жағ соҳаси мушаклари, бош оғриги, кулоқ оғриги, бош айланиши, кулоқ ичидаги шовқинлар ва бошқа симптоматик белгиларнинг бартараф этилиши, ЧПЖБ морфологик бутунлигини ва функционал фаолиятини тўғри тиклаш; жумладан стоматологик ортопедик протезлаш, тахтакачлаш усуллари, ижтимоий-тиббий даволашда узок вақт давомида реабилитация олиб бориш оркалигина самараси бўлишини илмий жиҳатдан асосланган.

Амбулатор-поликлиника шароитида чакка-пастки жағ бўғими фаолияти бузилиш синдромини ташхислаш ва даволашда таклиф этилаётган алгоритмнинг самараси, клиник-функционал, морфологик кўрсаткичларнинг яхшиланиши ҳамда функционал-инструментал текшириш натижаларидаги самарали кўрсаткичларда аксини топиши, мазкур патологиянинг шаклланган даври, оғирлик даражаси, нуқсоннинг тури ва этиологик омилларнинг ўз вақтида аниқланишига боғлиқлиги даволаш самарадорлигини имкониятларини белгилаб беришда ўрни муҳимлигини кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чакка – пастки жағ бўғими патологияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда фанлараро ёндашувни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида:

беморларда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишлари мавжуд беморларни даволашда фанлараро ёндашув усулларини аниқлаш имконини берган «Чакка – пастки жағ бўғими патологияси бўлган беморларни даволашда фанлараро ёндашув усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 июлдаги 8н-р/774-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка – пастки жағ бўғими функционал бузилиш синдромларини даволашда невролог, психотерапевт ва бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда тиббий муолажалар ўтказиш, индивидуал стоматологик-гнатологик муолажаларга нисбатан ижобий натижалар олиниши имконини берган;

беморларда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишлари мавжуд беморларни ташхислашда қўлланилган клиник, функционал текшириш усулларида оптимал фойдаланиш имконини берувчи «Чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилиши мавжуд беморларни ташхислаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2022

йил 5 июлдаги 8н-р/775-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка-пастки жаг бўғими функционал бузилиш синдромларини ташхислашда индивидуал ёндашувнинг қўлланилиши, бошқа мутахассислар ва замонавий ускунавий мосламаларни жалб килмасдан, амбулатор-поликлиникалар шароитида тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берган;

беморларда чакка-пастки жаг бўғими фаолиятидаги оғриқли синдромларга комплекс даволаш натижаларини таҳлил килиш имконини берган «Чакка-пастки жаг бўғими функционал бузилиши мавжуд беморларни даволаш натижалари таҳлили» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 июлдаги 8н-р/776-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка-пастки жаг бўғими функционал бузилишлари мавжуд беморларни комплекс даволаш усуллари самарадорлигини очиб бериш имконини берган;

Чакка – пастки жаг бўғими патологияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда фанлараро ёндашувни такомиллаштиришга қаратилган замонавий комплекс ёндашувлари асосида олинган илмий натижалар соглиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилоят Гиждувон туман тиббиёт бирлашмаси, Қашқадарё, Хоразм ва Жиззах вилоят болалар стоматологияси поликлиникалари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соглиқни сақлаш вазирлигининг 08.07.2022 йилдаги 8н-з/364-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши чакка-пастки жаг бўғими фаолият бузилиш синдромига ташхис кўйиш, даволаш ва профилактика килиш, уларнинг оқибатларини камайтириш, ортопедик даволашда аҳоли орасида касалликнинг камайишига олиб келади, сифатли тиббий-ижтимоий боғлиқликдаги мутахассислар орасида касбий боғлиқлик шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та макола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 4 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот


натижаларининг амалиётга жорий килиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чакка – пастки жағ бўғими патологияларини ташхислаш ва даволаш усулларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг соҳага оид адабиётлар таҳлили асосида, муаллиф гнатология; чакка-пастки жағ бўғимининг анатомо-функционал тузилиши, шунингдек тишлар окклюзия юзасининг механик силжиши тўғрисида таҳлил ва далиллар, чакка-пастки жағ бўғими дисфункционал синдромлар эпидемиологияси, этиопатогенези ва диагностикаси, чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияларини ташхислаш ва даволашдаги замонавий ёндашувлар тўғрисида олиб борилган замонавий тадқиқотларнинг чуқур таҳлили ўтказилган шарҳлар келтирилган ҳамда хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг «**Чакка – пастки жағ бўғими патологияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилиш синдромлари мавжуд беморлар тавсифи ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқот материали сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология ўқув-илмий-амалий марказига мурожаат қилган 1197 нафар 20 ёшдан 70 ёшгача бўлган беморлар жалб қилинган. Умумий мурожаат қилганларнинг 51,16% (n=608) чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишлари аниқланган. Шулардан – 42,92% и (n=478) аёллар, 57,07% (n=719) эркаклар, шунингдек ёш бўйича – 20-29 ёш – 88 нафар; 30-39 ёш – 154 нафар; 40-49 ёш – 248 нафар; 50-59 ёш – 398 нафар ва 60-69 ёш – 309 нафари стоматология клиникасига ихтисослаштирилган ёрдам сўраб мурожаат қилган беморлар.

Асосий гуруҳ сифатида жалб қилинган 608 нафар ЧПЖБ фаолият бузилиши синдроми мавжуд беморларнинг 245 нафари (20,46%) окклюзион-артикуляцион синдромли (ОАС) беморлар 1-асосий гуруҳга (АГ-1); - 154 нафари (12,83%) нейромускуляяр синдромли (НМС) 2-асосий гуруҳ (АГ-2); - 209 нафари (17,46%) бўғим диски чиқиши (БДЧ) ташхиси қўйилган 3-асосий гуруҳ (АГ-3) ташкил қилган (1-расм).



1-расм. ЧПЖБ ОДС билан оғриган беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимооти.

Шундан 608 нафарда чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишлари аниқланган беморларда комплекс илмий тадқиқот олиб борилган, у: тиббий-ижтимоий, психологик, неврологик, клиник-стоматологик, клиник-функционал, махсус ускунавий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Стоматологик тадқиқотлар куйидаги йўналишлар бўйича олиб борилган: тишларнинг окклюзия-артикуляция муносабатларини таҳлил қилиш, диагностик мум билан моделлаш, тишларнинг танловли силликланишини олиб бориш, барча турдаги реставрацияларни режалаштириш ва тайёрлаш мақсадида тўлиқ назорат қилинадиган Protar Evo 9 (KaVo, Германия) артикуляторидан фойдаланилган.

Чайнов мушакларининг электромиографияси (ЭМГ) – “Синапсис” портатив электромиографи ёрдамида ўлчанган; бўғим йўли траекторияси аксиографик усуллар ёрдамида Арсус дигма (KaVo, Германия) электрон аксиографи билан ўтказилган; п/ж бўғим бошида ўзгаришлар бор ёки йўклигини аниқлаш учун МРТ текшируви Canon 1.5 Т аппарати ёрдамида амалга оширилган.

Беморларнинг психологик текшируви рухий-ҳиссий бузилишлар ҳамда шахсиятнинг тавсифий ўзига хосликларини аниқлаш мақсадида SCL-90-R ўлчовидан фойдаланиб келтирилган стоматологик шикоятларнинг ифодаланиши баҳоланган; беморда депрессияни клиник диагностика қилиш ва унинг ҳолатини баҳолаш мақсадида Гамильтон депрессия (Hamilton Rating Scale for Depression – HRDS) ўлчовидан, К. Роджерс ва Р. Даймоннинг шахсни ижтимоий-рухий мослашувини диагностика қилиш усулидан фойдаланилган.


Олинган натижаларни статистик ишлаш учун умум қабул қилинган вариацион статистика усулларида (Стьюдент ва Фишер усули) фойдаланилган. Барча маълумотлар Microsoft® Office® Excel® 2010, Microsoft Corporation (Redmond, WA, USA) ҳамда “Excel” дастуридан фойдаланиб ишлаб чиқилган, гуруҳларда сифат ўзгарувчилари ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқлар Фишернинг аниқ мезони ёки имкониятлар нисбати учун 95 фоизли ишонч интервали хисобидан $p < 0,05$ ишончлилиқ қиймати қилиб белгиланган. Натижаларнинг корреляцион таҳлили р Спирмен ранг корреляцияси коэффициентидан фойдаланиб баҳоланган.

Диссертациянинг «**Чакка-пастки жағ бўғимида функционал бузилишлар мавжуд беморлар клиник тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи боби ўрганилаётган гуруҳларда натижаларнинг клиник-анамнестик таҳлилидан бошланган.

Тадқиқот материалларидан олинган натижаларнинг таҳлилида 50-59 ва 60-69 ёшли беморларда ЧПЖБ патологиясининг энг юкори тарқалганлик кўрсаткичи қайд этилган ҳамда мос равишда 27,13% ва 27,75% ни ташкил этган. 50-59 ёшда аёллар орасида ОАС – 31,25%; НМС – 28,57% аёлларда; шунингдек БДЧ – 60-69 ёшли аёлларда 32,55% ҳолатда аниқланган.

Сўровда қатнашганларнинг сўзларига кўра, огриқ ҳислари 20-29 ёшда – 39,6% ҳолатда қайд этилган бўлса, унда бу белгилар 30-39 ёшда – 40,4% га ортган; 40-49 ёшда – 48,8% га; 50-59 ёшда – 50,3% ва 60-69 ёшда 57,4% га етган, бунда огиз очилишининг чекланиши ҳам ёш 50 ёшгача ортиб бориши

билан ўзаро боғлиқликни кўрсатган ва мос равишда – 16,7%; – 30,3%; – 38,6% ни ташкил этган. Анамнестика натижаларига кўра шиқиллашлар 20-29 ёшда – 37,5%; 30-39 ёшда – 32,3%; 40-49 ёшда – 45,7%; 50-59 ёшда – 49,7%; 60-69 ёшда – 53,2% аниқланган; шунингдек окклюзия бузилишлари – ёш бўйича мос равишда – 22,9%; – 31,3%; – 38,6%; – 56,4%; ва – 73,4% га тенг бўлган (2-расм).




2-расм. ЧПЖБ ФБС мавжуд беморлар анамнези маълумотлари

Бир ёки учтадан ортик шиқоятларга эга шахслар ҳиссаси ижобий тенденция касб этган. 20-29 ёшли беморлар гуруҳида 12,5% беморлар бир ёки учтадан ортик шиқоятга эга бўлган, 30-39 ёшли ҳамда 40-49 ёшли беморлар гуруҳида иккита шиқоятга эга беморлар миқдори мос равишда 34,3% ва 29,9% ни ташкил этган; учта шиқоятлар 26,3% ва 22,1% беморларда мавжуд бўлган, 60-69 ёшли респондентлар орасида иккита шиқоят 23,6% да, учта шиқоят эса 17% да қайд этилган.

ЧПЖБ ОДС патологияси мавжуд беморларда визуал тадқиқот олиб борилганида, ташки кўриқда, чайнов мушакларининг гипертрофияси ҳисобига юз асимметрияси аниқланган; шундан 328 нафар (53,94%) беморларда асимметрия аниқланмаган; 65 нафар (10,69%) беморда – асимметрия ўнг томонда; 58 нафар (9,53%) беморда – асимметрия чап томонда; 161 нафар (26,48%) беморларда – асимметрия икки томонда аниқланган; ёш бўйича энг юқори кўрсаткич ўнг томонда асимметрияда кузатилган – 40-49 ёш гуруҳида 25 нафар (19,68%) бемор; чапда асимметрия – 50-59 ёш гуруҳида 31 нафар (18,78%) беморда; жинс бўйича – аёлларда ўнг томонда асимметрия – 30 нафар (11,49%) беморда; чапда асимметрия – 52 нафар (19,92%) беморда; икки томонлама асимметрия – 68 нафар (26,05%) беморда қайд этилган; эркаларда бу кўрсаткичлар мос равишда 28 (8,06%); - 45 (13,25%); - 50 (14,40%) га тенг бўлган.

ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларда турли ёш гуруҳларида огиз очилиш даражаси ҳамда симметриявийлиги бўйича қайд этилган кўрсаткичлар 3-расмда келтирилган. Тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг таҳлилидан, огиз очилиши чегараланиши тўлиқ ҳажмда ва дефлекция белгилари бўйича ёш гуруҳларида кўрсаткичларнинг статистик ишончли ўсишини, симметриявийлик бўйича эса қарама-қарши эканлигини айтиш мумкин. Шунингдек муайян патологик белгилардан энг кўп кузатилган белги

“тўлик ҳажмда” бўлди (32,68%), девиация 12,22%, “чекланган” 11,14% ҳолатда қайд этилган. Масалан, 20-29 ёшда оғизни очилишининг тўлик ҳажмда чекланиши – 0%; 30-39 ёшда – 6,73%; 40-49 ёшда – 39,39%; 50-59 ёшда – 35,97%; 60-69 ёшда – 40,34%; шунингдек дефлексия – ёш гуруҳларига мос равишда 3,70%; - 0,96%; - 4,04%; - 15,10%; - 11,03% ва девиация – ёш гуруҳларига мос равишда 3,70%; - 0,96%; - 5,55%; - 1,43%; - 32,41%.



3-расм. ЧПЖБ ФБС мавжуд беморларда функционал ва морфологик ўзгаришларнинг ёш кесимида натижаси

Тиш қаторларининг ҳолати ҳақида маълумотлар таҳлил қилинганида, аксарият беморларда, 346 нафариди (56,90%) тиш қаторлари бутунлиги ва фақат 262 нафариди (43,09%) тиш қаторларида турли давомийлик ва жойлашувга эга нуксонлар қайд этилган. Шунингдек, тиш қаторида нуксонлари; - 11,18% майда нуксонлар (1-3 тиш йўқотилган), -17,26% ўрта нуксонлар (4-6 тиш йўқотилган) ва - 14,63% катта нуксонлар (бтадан ортик тиш йўқотилган) аниқланган (1-жадвал).


1-жадвал.

ЧПЖБ оғриқли фаолият бузилишлари мавжуд бўлган беморларда тиш қаторларидаги нуксонлар тарқалиш даражаси

Нуксонлар ҳажми	20-29 ёш	30-39 ёш	40-49 ёш	50-59 ёш	60-69 ёш	Жами
Мавжуд эмас	22	38	36	24	10	346
	68,75%	62,29%	20,45%	12,69%	6,66%	56,90%
майда	8	16	42	24	47	68
	25%	26,22%	23,86%	12,69%	31,33%	11,18%
ўрта	2	5	48	68	47	105
	6,25%	8,19%	27,27%	35,97%	31,33%	17,26%
катта	-	2	50	73	46	89
	0%	3,27%	28,40%	38,62%	30,66%	14,63%
Беморларнинг сони n=608	32/100 %	61/100 %	176/100 %	189/100 %	150/100 %	n=608/100%


1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, текширилган беморлар орасида тишларида нуқсонлари бўлмаган беморлар ёш ортишига тескари йўналишда камайган, бунда 20-29 ёшли беморлар орасида ўрта нуқсонларга – 6,25%, 30-39 ёшли беморлар орасида – 8,19%, 40-49 ёшлилар – 27,27%, 50-59 ёшли беморлар орасида – 35,97% ва 60-69 ёшлилар орасида – 31,33% ҳолатда кузатилган; катта нуқсонларда ҳам шундай суръат кузатилган бўлиб, ёш гуруҳларига мос равишда 0%; - 3,27%; - 28,40%; - 38,62% ва - 30,66%.

ЧПЖБ дисфункциясида клиник симптоматикаларнинг учраш даражаси 4-расмда келтирилган. ЧПЖБ соҳасида огрикларни ўрганиш давомида огрикнинг ЧПЖБ ни қайси соҳасида жойлашуви ҳамда унинг кўрсаткичлари масаласига алоҳида эътибор қаратилган: 59 нафар (24,08%) (АГ-1), 44 нафар (28,57%) (АГ-2), 16 нафар (7,65%) (АГ-3) беморларда огрик хуружсимон характерга эга бўлган, мос равишда 88 нафар (35,91%), 25 нафар (16,23%), 22 нафар (10,52%) беморда – доимий сиркираб огриш; мос равишда 96 нафар (39,18%), 19 нафар (12,33%), 42 нафар (20,09%) беморда – фақат нутқ ёки чайнаш юкланишидан сўнг пайдо бўлган; мос равишда 48 нафар (19,59%), 26 нафар (16,88%), 32 нафар (15,31%) огрик тунда кузатилган.



4-расм. ЧПЖБ дисфункциясида клиник симптоматикаларнинг учраш даражаси


Гуруҳлар ўртасида берилган шикоятлардаги фарқ кўриб чиқилганида куйидаги ўзига хосликлар белгиланган:- ЧПЖБ соҳасида маҳаллий огрик мазкур касалликка хос бўлиб, неврологик (мушак дисфункцияси) ва соматоформ бузилишлари мавжуд беморларда деярли фарқ қилмаган;- АГ-1 беморлари учун маҳаллий огрик, доимий сиркираб огриш ва ЧПЖБ соҳасида юкланиш билан боғлиқ огриклар хос;- АГ-2 беморларига, асосан, маҳаллий огрик ва ЧПЖБ соҳасида ёйилган огрик, шунингдек ЧПЖБ соҳасида хуружсимон огрик хос;- АГ-3 учун, асосан, ЧПЖБ соҳасида юкланиш билан боғлиқ огрик хос бўлган.



5-расм. Беморлардаги клиник белгилар ҳамда шикоятлар мавжудлигининг ўртача кўрсаткичлари

ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларда чайнов мушаклари соҳасида оғриқ ҳамда дисфункция ўрганилганида шикоятлари ўрганилганда бруксизм АГ-1 гуруҳнинг 169 (68,97%) нафар, АГ-2 гуруҳнинг 89 (57,79%) нафар, АГ-3 гуруҳнинг 65 (31,10%) нафар беморларида кузатилган. Бундан ташқари оғриқли мушак-тоник синдроми (АГ-1=33,87%, АГ-2=37,66%, АГ-3=7,65%), оғриқсиз мушак-тоник синдроми (АГ-1=60,4%, АГ-2=66,88%, АГ-3=35,88%), чайнов вақтидаги оғриқ (АГ-1=29,97%, АГ-2=28,57%, АГ-3=11,48%), чайнашнинг қийинлиги (АГ-1=35,1%, АГ-2=31,81%, АГ-3=12,91%), жисмоний машқларсиз мушакдаги оғриқ (АГ-1=40,4%, АГ-2=21,42%, АГ-3=6,69%), ютинишнинг бузилиши (АГ-1=1,22%, АГ-2=1,29%, АГ-3=0,47%) каби белгилар ҳам беморларда аниқланган.

Чайнов мушаклари соҳасида оғриқ ҳамда дисфункция ўрганилганида шикоятларнинг қуйидаги тури кўриб чиқилган (6-расм).



6-расм. ЧПЖБ дисфункциясида чайнов мушакларидаги оғриқлар частотаси.

Ўрганилаётган гуруҳларда п/ж кўзгалувчанлигига тегишли маълумотлар ўрганилган (Хелкимо М. индекси бўйича, 1976 й.) ва қуйидаги натижалар олинган: меъёрда амплитуда – АГ-1 да 118 нафар (48,16%) бемор, АГ-2 да 91 нафар (59,09%), АГ-3 да 64 нафар (30,62%) бемор, амплитуда ортган – мос

равишда 78 (31,83%), 28 (18,18%), 44 (21,05%) нафар, амплитуда камайган – мос raviшда 49 (20,0%), 10 (6,49%), 28 (13,39%) нафар бемор. Натижалар бўйича огиз очилишининг чекланиши АГ-1 ва 2 даги беморлар учун муҳим, АГ-3 беморлари ҳолатида эса кам аҳамиятли диагностик мезон ҳисобланган.

ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларда чайнов мушакларининг ҳолатини баҳолаш мақсадида чайнов мушакларининг электромиографияси (ЭМГ) ўтказилган. Тадқиқот учун жами 210 (34,53%) нафар бемор текширилган, ҳар бир гуруҳда 70 нафардан бемор (АГ-1=28,57%, АГ-2=45,45%, АГ-3=33,49%). Симметриявийликни тавсифловчи тоник фаолликлар АГ-1 да 19 нафар (27,14%), АГ-2 да 17 нафар (24,28%), АГ-3 да 9 нафар (12,85%) беморлардагина кузатилмаган, ЭМГ да патологик ўзгаришлар мос raviшда 52 (74,28%), 44 (62,85%) ва 35 (7,14%) беморларда аниқланган. Шунингдек, мос raviшда 11 (15,71%), 10 (14,28%) ва 5 (7,14%) беморларда бу ўзгаришлар ўнг ва чапда шу номли мушакларнинг асимметрияси, “биоэлектрик сокинлик”, қисқа вақтли якка чақнашлар, юкланишга жавобан “рефлектор” ригидлик билан тавсифланган.

Ўрганилаётган контингент орасида магнит-резонанс томография (МРТ) натижалари текширилганларнинг умумий сонидан, 34 дан 42 ёшлилар орасида (45 нафар – асосий гуруҳ ва 15 нафар – назорат гуруҳи), кортикал контур ўзгаришлари АГ-1 ва АГ-2 да жами 3 (20,0%) ҳолатда; АГ-3 да 4 (26,7%) ҳолатда қайд этилган. П/ж контурининг ўткирлиги АГ-1 да 7 (46,7%), АГ-2 да 8 (53,33%) ва АГ-3 да 10 (66,7%) ҳолатда қайд этилган. Остеосклероз ва эрозия белгилари текширилган АГ-2 ва АГ-3 беморларининг чап бўғимида кўпроқ аниқланган, бундан ташқари, пастки жағ ўнг бўғим бошининг кортикал пластинкасида АГ-1 ва АГ-2 да 1,7% ҳолатда, АГ-3 да 13,4% ҳолатда ўнг ва чап томонда нақшлар аниқланган.

Бундан ташқари МРТ маълумотларига кўра пастки жағ ўйиқларида п/ж бўғим бошининг жойлашуви қатор ҳолатларда аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

МРТ маълумотларига кўра пастки жағ ўйиқларида п/ж бўғим бошининг жойлашуви

Ташхислар	ОАС (АГ-1)		НМС (АГ-2)		БДЧ (АГ-3)	
	Ўнг	Чап	Ўнг	Чап	Ўнг	Чап
	ЧПЖБ	ЧПЖБ	ЧПЖБ	ЧПЖБ	ЧПЖБ	ЧПЖБ
Бўғим ўсигининг жойлашуви	абс. /%	абс. /%	абс. /%	абс. /%	абс. /%	абс. /%
нормал	5/33,3	5/33,3	5/33,3	6/40,0	2/13,3	3/20,0
олд	3/20,0	2/13,3	1/6,6	1/6,6	3/20,0	4/26,7
орт	5/33,3	3/20,0	2/13,3	2/13,3	5/33,3	5/33,3
юқорида	-/-	-/-	1/6,6	2/13,3	1/6,6	-/-
пастда	-/-	1/6,6	2/13,3	-/-	-/-	-/-
олд юқори	-/-	-/-	1/6,6	-/-	2/13,3	1/6,6
олд пастда	-/-	2/13,3	1/6,6	-/-	2/13,3	1/6,6
орт юқори	1/6,6	1/6,6	1/6,6	1/6,6	-/-	-/-
орт пастда	1/6,6	1/6,6	1/6,6	3/20,0	-/-	-/-
Жами	15/100,0	15/100,0	15/100,0	15/100,0	15/100,0	15/100,0

Жадвалдан кўриладики, чап бўғим бошининг олд томонда жойлашуви АГ-1 да 13,3% ҳолатда, ўнг томонда – 20,0% ҳолатда аниқланган, АГ-3 да эса мос равишда 20,0% ва 26,7%. П/ж бўғим бошининг орт томонда жойлашган улуши текширилган гуруҳларда ўнг ЧПЖБ да 33,3%, 13,3% ва 33,3% ҳамда чап ЧПЖБ да 20,0%; 13,3% ва 33,3% га тўғри келган.

Тадқиқот натижалари таҳлил қилиниши, ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларнинг аксариятида юз мушакларининг гипертонуси мавжудлиги аниқланган, унинг характери ҳамда ифодаланганлик даражаси мўлжалли диагностик баҳони ҳамда кейинчалик кўшимча терапияни талаб этган. ЧПЖБ ОДС каби кўп омилли феноменнинг диагностикаси ҳамда терапиясида стоматологлар, неврологлар, психологлар ҳамда функционал диагностика бўйича мутахассислар иштирокидаги комплекс ёндашув зарурлиги таъкидланган.

Беморларда психопатологик шикоятлар ўрганилганда хилма-хил нопсихик ҳамда психологик белгилар текширилган беморларнинг аксариятида аниқланган. ЧПЖБ дисфункцияларида беморлар руҳиятининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Беморларда аниқланган психопатологик характердаги шикоятлар

Ҳиссий-иродавий жиҳатлар	АГ-1 n=245	АГ-2 n=154	АГ-3 n=209
Хавотир	88 (35,91%)	51 (33,11%)	52 (24,88%)
Тез аччиқланиш	59 (24,08%)	29 (18,83%)	36 (17,22%)
Ҳиссий ўзгарувчан	29 (11,83%)	16 (10,38%)	20 (9,56%)
Тушқун кайфият	198 (80,81%)	127 (82,46%)	124 (59,33%)
Иштаҳанинг пасайиши	14 (5,71%)	11 (7,14%)	18 (8,61%)
Йиглокилик	46 (18,77%)	26 (16,88%)	31 (14,83%)
Умумий ҳолсизлик	58 (23,67%)	34 (22,07%)	18 (8,61%)
Юкланиш ҳисси	48 (19,59%)	30 (19,48%)	47 (22,48%)
Кўкрак қисиши	13 (5,30%)	5 (3,24%)	13 (6,22%)
Пресом бузилишлар	52 (21,22%)	34 (22,07%)	10 (4,78%)
Интрсом бузилишлар	29 (11,83%)	16 (10,38%)	15 (7,17%)
Протосом бузилишлар	20 (8,16%)	12 (7,79%)	5 (2,39%)

Кўриниб турибдики, АГ-1 ва 2 га кирувчи беморлар Гамилтон ўлчови бўйича кўрсаткичларнинг нормадан ўрта огирликдаги депрессия даражасигача ўзгаришини кўрсатган, АГ-3 гуруҳ таркибидаги беморлар эса, фақат баъзи ҳолатларда меъёрдан фарқ қилувчи кўрсаткичларни намоён қилган, бу гуруҳ беморларида хатто чегара кўрсаткичларда депрессив симптомлар енгил депрессия бузилишлари доирасидан чиқмаган. Шундай қилиб, ушбу ўлчовдан беморларни клиник кўрикдан ўтказишда турли муаллифлар таклиф қилган бошқа психометрик усуллар билан бир қаторда, кўшимча диагностика ускунаси сифатида фойдаланиш мумкин.

К. Роджерс ва Р. Даймон усуллари бўйича кўп ўлчовли мултивариант таҳлилдан олинган ижтимоий-психологик мослашув натижалари (Hotelling's Trace) куйидагиларни ташкил қилган: мослашувчанлик – 144,14, мослаша олмаслик – 32,21, ёлгон гапириш – 7,92, ёлгон гапириш+ - 7,22, ўзини қабул

қилиш – 18,11, ўзини қабул қилмаслик – 10,04, бошқаларни қабул қилиш – 16,22, бошқаларнинг қабул қилмаслиги – 10,40, ҳиссий хотиржамлик – 8,40, ҳиссий безовталиқ – 10,44, ички назорат – 24,38, ташқи назорат – 11,22, етакчилик – 4,25, эскапизм – 3,21. Бу факт ушбу хасталиқнинг интегратив диагностикаси ҳамда у билан боғлиқ терапевтик чораларнинг комплексида ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларнинг ижтимоий-руҳий мослашувчанлигини ўрганиш муҳимлиги ҳақида хулосага келиш имконини берган.

Диссертациянинг «**ЧПЖБ ОДС патологиясида фанлараро ёндашув асосида диагностика, дифференциал диагностика ва профилактиканинг ишлаб чиқилган натижалари таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида ЧПЖБ ОДС патологиялари мавжуд беморларни текширишдан олинган натижаларнинг фанлараро таҳлиллари келтирилган.

Стоматологнинг профессионал муҳим вазифаларидан бири сифатида хавотир, кескинликни ва невротик реакцияларнинг ўхшата олишмаҳорати деб санаш мумкин. Бемор билан мулоқот қилиш вақтида шифокор ҳиссий юкланишни чақирувчи омилларни аниқлаши лозимлиги таъкидланган. Бундай патологияларда шифокор-стоматолог кенг тарқалган стоматологик касаллик сифатида ЧПЖБ дисфункциясининг очик, қайта тикланувчи, ахборот берувчи, иқтисодий самарали диагностика ҳамда даволашни назорат қилиш усуллари ёрдамида ЧПЖБ дисфункциясининг хавфини аниқлашда диагностика координатори бўлиши лозимлиги белгиланган.

ЧПЖБ соҳасида оғриқлар ва дисфункцияни ўрганиш натижаларида, *m. masseter*, *m. pterygoideus medialis/lateralis* соҳаларида юкланиш ҳисси “тортилиш” ва ноқулайлик ҳисси билан кузатилган, бунини беморларнинг асосий қисми қайд этган. Руҳий-ҳиссий юкланиш негизида ҳосил бўладиган ва ҳаяжонланишда кучаювчи ЧПЖБ соҳасида юкланиш ҳисси, тишларнинг сикилиши, уларни тунда гичирлатишдан 52,45% беморлар шикоят қилишган. Шунингдек ЧПЖБ соҳасида ноқулайлик, мушаклар заифлиги, шунингдек мушак-тоник бузилишлар фонида юзага келувчи енгил дизартрия билан уйғунлашган оғриқ феноменлари ва функционал бузилишлар кузатилган, бунда ютиниш бузилиши 0,97% беморда қайд этилган. Юз соҳасида тортилиш ва ноқулайлик ҳиссига шикоятлар ўрганилганида, 61 нафар (10,3%) бемор юз мушаклари соҳасида ноқулайликка шикоят билдиргани, бундан ташқари, 111 нафар (18,25%) бемор мимика мушакларининг “тортилиши” ва юкланишига шикоят қилган.

Мушакларнинг неврологик ҳолатини ўрганишда ЧПЖБ ОДС ва ЧПЖБ артропатиясида ЧПЖБ мушак-тоник бузилишлари мавжуд беморларга эътибор қаратилган, бунда *m. temporalis*, *m. masseter*, *m. digastricus*, *m. sternocleidomastoideus*, *m. trapezius* мушаклари палпатор баҳоланган. Натижада ЧПЖБ соҳасида оғриқ феноменлари ҳамда функционал бузилишлар мавжудлиги аниқланган. Палпацияда ЧПЖБ нинг маҳаллий ва ёйилган оғриги 118 нафар (19,40%), маҳаллий оғриқ бўлмаган ҳолатда чайнов мушаклари соҳасида юкланиш – 252 нафар (41,44%) беморларда, тишлаш ва чайнаш вақтида ЧПЖБ соҳасида оғриқ – 118 нафар (19,40%) беморда, ЧПЖБ соҳасида субъектив юкланиш ва доимий юкланиш ҳисси 105 нафар (17,26%) беморларда аниқланган.

ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларнинг ҳолатини баҳолашда холистик ёндашув ЧПЖБ ОДС полиэтиологиклигини аниқлаш имконини берган, у умуман унинг “аралаш” (стоматологик, неврологик, психиатик ва соматопсихик) характеридан иборат, у ўзининг “чегара” вариантларида кўпроқ “соматоформ шартланган” генез ёки кўпроқ “стоматологик ва неврологик шартланган” генез кўринишда бўлган.

ЧПЖБ ОДС мавжуд беморларда кўпроқ аралаш генезли азият чекишларда қуйидаги клиник феноменлар ўринли бўлган: кўпроқ бир томонлама иррадиацияланувчи огрик мавжудлиги, юз соҳасида гиперестезия соҳаларининг бир томонлама жойлашуви, ЧПЖБ соҳасида маҳаллий ва ёйилган огрик мавжудлиги, ЧПЖБ соҳасида унга юкланишларда юзага келадиган, ЧПЖБ ОДС авж олган ёки сўниб борувчи авж олган даврларда ҳосил бўладиган оғрик мавжудлиги, чайнов мушаклари соҳасида маҳаллий огрик мавжудлиги/мавжуд эмаслиги билан оғрик ва ноқулайлик ҳисси, чайнаш қийинлашиши ва бунда огрик юзага келиши, юз соҳасида “тортилиш” ва ноқулайлик ҳисси, огиз очилиш амплитудасининг чекланиши, огизни очишда п/ж нинг силжиши, бўгим-бириктирувчи аппаратнинг юкланиши билан боғлиқ бўлган “шовқин” ҳодисаларининг мавжудлиги.

Текширилган беморларнинг ўрганилган гуруҳларини ажратувчи психологик омил уларнинг ҳаёт сифати (ҲС) кўрсаткичлари характери бўлган. Соматоформ белгиларда (аралаш ва соматоформ азият чекиш генези) ёқимсиз “субъектив ҳислар”, “ҳозирги вақтда умумий саломатлик” туфайли ҲС кўрсаткичларининг, ҳиссий муаммолар туфайли ҳаёт фаолиятининг тушиши, шунингдек “яшашга кодирлик” ва “ижтимоий фаоллик” ўлчовлари бўйича кўрсаткичларнинг камайиши аниқланган. Бунда хасталикнинг аралаш генези мавжуд беморларда ҲС соматик саломатликдаги муаммолар туфайли кўшимча пасайган, бунинг натижасида ушбу беморлар расмий равишда меҳнатга лаёқатлиликини сақлаб қолиб, ўзларининг умумий ҳаёт фаолиятини анча чеклаган.


Диссертациянинг **«Чакка-пастки жағ соҳаси патологияларини диагностика, даволаш ва реабилитацияга асосланган комплекс ёндашувлар билан даволаш ҳамда дифференциал диагностика қилиш натижаларининг таҳлили»** деб номланган бешинчи бобида чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишлари мавжуд беморларни даволаш натижалари келтирилган.

